

А Ж Р И М

2022 йил 4 июль куни жиноят ишлари бўйича Олтиариқ туман суди “Янгиқўрғон” маҳалла фуқаролар йиғини биносида, сайёр очик суд мажлисида, раислик қилувчи Б.Эргашев, судья ёрдамчиси Х.Маманазаровнинг котиблигида, тарафлардан туман прокурори ёрдамчиси лавозимида иш ўрганувчи Э.Хошимов ва ҳимоячи С.Хожиевларнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми билан гумон қилинувчи А.Боқижоновга оид 1-1514-2201/306-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Боқижонов Алимардон Абдурашид ўғли, 2002 йил 9 ноябрда Олтиариқ туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти тугалланмаган ўрта-махсус, уйланмаган, Риштон тумани “Абу Али Ибн Сино” номидаги тиббиёт техникумида талаба, Олтиариқ тумани, “Жўрак” МФЙ, Кўндаланг кўчаси, 16-уйда яшайди.

Суд, жиноят иши бўйича жабрланувчининг ярашув тўғрисидаги аризасини иш материаллари билан кўриб чиқиб, гумон қилинувчи ва жабрланувчининг кўрсатувлари ва тарафларнинг фикрларини тинглаб, кўйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Гумон қилинувчи А.Боқижонов 2022 йил 25 апрель куни соат 12 ларда Олтиариқ туман марказидаги дорихоналарнинг биридан сотиб олган 132.000 сўмлик 4 дона кассетадаги 80 дона “Табекс 1,5 мг” дори воситаларини Ш.Юнусованинг пуллари кўлга киритиш мақсадида, дори воситаларини “Трамадол” психотроп дори воситалари деб айтиб алдаб, унга 550.000 сўмга сотган вақтида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан ушланган.

Гумон қилинувчи А.Боқижонов судда, 2022 йил 25 апрель куни соат 12 ларда Олтиариқ туман марказида Ш.Юнусовага “Табекс 1,5 мг” дори воситаларини “Трамадол” психотроп дори воситалари деб айтиб алдаб, 550.000 сўмга сотгани, ҳозирда ўз айбига тўлиқ иқроор бўлиб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, жабрланувчи Ш.Юнусова билан ярашиб олгани ҳақида кўрсатув бериб, жиноий жавобгарликдан озод этишни сўраб ариза тақдим қилди.

Жабрланувчи Ш.Юнусованинг судда, 2022 йил 25 апрель куни соат 12 ларда Олтиариқ туман марказида А.Боқижонов унга “Табекс 1,5 мг” дори воситаларини “Трамадол” психотроп дори воситалари деб айтиб алдаб, 550.000 сўмга сотгани, ҳозирда унга зарар қоплангани, А.Боқижоновни кечиргани, унга нисбатан даъвоси йўқлиги, ярашув аризасини ўз хоҳиши билан ёзгани, унга бирон-бир тазйик бўлмагани, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунгани, судланувчини билан ихтиёрий ярашиб олгани ҳақида кўрсатув бериб, А.Боқижоновни жиноий жавобгарликдан озод этишни сўраб ариза тақдим қилди.



Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасида, ушбу кодексининг 168-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, жиноий жавобгарликдан озод қилиниши мумкинлиги;

ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисмида, жабрланувчи ЖКнинг 66¹-моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи билан ярашган тақдирда жиноят иши ушбу Кодекснинг 62-бобидида белгиланган тартибда суд томонидан айблилик тўғрисидаги масала ҳал қилинмасдан туриб тугатилиши мумкинлиги белгиланган.

Суд, гумон қилинувчи А.Боқижоновнинг ўз айбига иқрорлиги, қилмишидан пушаймонлиги, жабрланувчига етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги, жабрланувчининг унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, ярашиш тўғрисидаги ариза ихтиёрий равишда берилганлиги, тарафларни ярашувга розилиқларини инобатга олиб, уни ЖКнинг 66¹-моддасига асосан жиноий жавобгарликдан озод этиб, жиноят ишини ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисмига асосан айблилик тўғрисидаги масала ҳал қилинмасдан туриб тугатишни лозим топди.

Шунингдек суд, ашёвий далил тариқасида олиниб, Олтиариқ туман ИИБнинг ашёвий далилларни сақлаш хонасида сақланаётган жами 8 дона кассетадаги 160 дона “Табекс 1,5 мг” дори воситаларини йўқ қилишни лозим деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 84-моддаси 4-қисми, 582-583, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Боқижонов Алимардон Абдурашид ўғли Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 66¹-моддасига асосан жиноий жавобгарликдан озод этилсин ва жиноят иши иш юритишдан тугатилсин.

Ашёвий далил тариқасида олиниб, Олтиариқ туман ИИБнинг ашёвий далилларни сақлаш хонасида сақланаётган жами 8 дона кассетадаги 160 дона “Табекс 1,5 мг” дори воситалари йўқ қилинсин.

Ажримдан норози тарафлар йигирма сутка ичида Фарғона вилоят судига хусусий шикоят ёки протест келтиришлари мумкин.

Раислик қилувчи

Б.Эргашев

Ажрим нусхаси аслига тўғри,
туман судининг раиси

Б.Эргашев



Маъсул судья: Эргашев Бехзод Хурсанович



Хужжат имзоланган: Эргашев Бехзод Хурсанович, 07.07.2022

